## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 882-ҳадис

882/1865- عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ الله عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم رَأَى شَيْخًا يُهَادَى بَيْنَ ابْنَيْهِ، قَالَ: «مَا بَالُ هَذَا؟» قَالُوا: نَذَرَ أَنْ يَمْشِيَ. قَالَ: «إِنَّ اللهَ عَنْ تَعْذِيبِ هَذَا نَفْسَهُ لَغَنِيٌّ». وَأَمَرَهُ أَنْ يَرْكَبَ.

882.1865. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ўғлининг ўртасида уларга суяниб кетаётган бир қарияни кўриб, **«Бунга нима бўлди?»** дедилар. «Пиёда юришни назр қилибди», дейишди. У зот: **«Албатта, Аллоҳ бунинг ўз-ўзини азоблашидан беҳожатдир»**, дедилар ва уни уловга миниб олишга буюрдилар».

---

Манба: hadis.islom.uz